

Жиноят процессида вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиқ қисмини вояга етмаганлар ташкил қилиб, уларнинг баркамол ривож мамлакат тараққиётининг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасига мувофиқ республикада қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ёш авлоднинг баркамол ривож топиши ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун кафолатлар белгиланган бўлиб, давлат органлари томонидан ёшларни тарбиялашга айланиб, вояга етмаганларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Шуни айтиш лозимки, бугунги кунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, умуминсониятнинг диққат марказидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг таркибий қисми ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган халқаро ҳуқуқ нормалари мустақилликка эришган илк даврдаёқ миллий қонунчиликка жорий қилина бошлади. Жумладан, бутун дунёда “Бола ҳуқуқлари Конституцияси” деб ном олган Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция мамлакатимиз парламенти томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган².

Мазкур конвенция болага оид бўлган ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама пайтида бевосита вакил ёхуд тегишли орган орқали миллий қонунчиликнинг процессуал нормаларида кўзда тутилган тартибда ўзининг фикрларини улар томонидан эшитиш имконияти берилиши(12-модда), унга қўйилаётган айб бўйича ота-онаси ёки қонуний васийси орқали кечиктирмасдан ўзининг ҳимоясини тайёрлашда ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам олиш, қонунга

*ТДЮИ доценти, ю.ф.н.

** ТДЮИ ўқитувчиси

¹ Рустамбаев М.Х. Права человека начинаются с прав ребёнка//”Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати”мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: Янги аср авлоди, 2006. Б.12

²Хакимов Р.Детство:проблемы и перспективы. –Т.: Узбекистан, 2006. -С.9.

мувофиқ равишда адвокат ёхуд бошқа тегишли шахс иштирокида кечиктирмасдан қарор қабул қилиш кафолатлари кўрсатилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт 14-моддасининг тўртинчи бандида “Вояга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва уларнинг қайта тарбиялашга кўмаклашиш истаги инобатга олиши лозим”лиги қайд қилинган³.

Бу ғояни тўлиқ амалга ошириш бўйича БМТ Бош Ассамблеяси вояга етмаганларга нисбатан одил судловнинг минимал стандартлари бўйича қоидаларни ишлаб чиққан бўлиб, ушбу қоидалар юридик адабиётларда “Пекин қоидалари” деб номланади.

Пекин қоидаларининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- оғир жиноят турига кирмаган ишлар бўйича ишларни ҳаракатдан тугатиш имкониятларини кенг қўллаш;

- тарбиявий йўсиндаги воситаларни кенг қўллаш;

- вояга етмаганларнинг ишларини тергов қилиш ва судда кўриш билан шуғулланувчи шахсларни махсус тайёрлаш;

- суд муҳокамаси эркин амалга оширилишини таъминлаш;

- вояга етмаганларни қамоққа олишни алоҳида ҳолатларда қўллаш;

- вояга етмаганларнинг ишлари катта ёшдагилардан алоҳида кўрилиши;

- оғир жиноят содир қилинмаган ҳолатларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни қўлламаслик.

Мазкур халқаро ҳужжат тамойиллари Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам ўз аксини топган деб айтишимиз мумкин.

Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи давлат органларида ва улар томонидан жиноят ишларини юритилиши жараёнида вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, қайта жиноят содир қилинишига йўл қўймаслик вояга етмаганларнинг жиноят ишлари юритилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг, яъни вояга етмаган шахсларнинг жиноятлари

³ Действующее международное право. В 3-томах. Составители Ю.М.Колосов, Э.С.Кривчикова. Т.2, –М., Изд-во Московского независимого института международного права. 1997.-С.69

ҳақидаги ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг ўн учинчи бўлими 60-бобида белгилаб берилган.

Жиноят ишларини юритишда вояга етмаганларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомига эътибор берилиши лозим. Чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XV ва XVI боблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 60-бобида вояга етмаганларга нисбатан алоҳида қоидалар белгиланган. Уларга нисбатан ушбу қонунларнинг умумий қоидалари билан бирга юқоридаги бобларда кўрсатилган алоҳида қоидалар ҳам қўлланилади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 51-моддаси талабларига кўра, вояга етмаганларнинг иши бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт ҳисобланади. Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳимоячидан воз кечган тақдирда ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 52-моддаси талабларига биноан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурий эмаслиги қайд этилган. Қонуннинг ушбу талабига кўра, ҳар қандай ҳолда вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича ҳимоячининг иштироки тўлиқ таъминланади. Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчини биринчи сўроқ қилишдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради. Шу мақсадда вояга етмаган шахсга ва унинг қонуний вакилига ўзлари хоҳлаган ҳимоячини таклиф этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Агар ҳимоячи вояга етмаган шахснинг, унинг қонуний вакилининг ёхуд бошқа шахсларнинг топшириғи ёки розилиги билан чақирилмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбур.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 50-моддасига мувофиқ, танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини

таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига мурожаат қилишни тавсия этади.

Бундай ҳолатларда муайян адвокатни танлаш терговчи, прокурор ёки суд томонидан эмас, балки адвокатлик бюро, фирма ва ҳайъатлари томонидан амалга оширилмоғи лозим. Ушбу талабларга риоя қилинмаслиги жиноят ишларини юритиш жараёнида “чўнтак адвокатлари” деб номланадиган шахсларнинг фаолият кўрсатишига, демакким, вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда тегишли муаммоларга олиб келади⁴.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири бу жиноят ишларини юритиш жараёнида вояга етмаганларни катта ёшлилардан алоҳида сақланишидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 228-моддаси 5-қисмига мувофиқ, вояга етмаганлар - катталардан алоҳида сақланади; айрим ҳолларда вояга етмаганлар сақланаётган камераларда прокурорнинг рухсати билан катталарни сақлаб туришга йўл қўйилади.

Бизнинг фикримизча, катта ёшлиларнинг эҳтимоли мавжуд бўлган ножўя таъсирларидан сақланиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига етиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олиш мақсадида вояга етмаганлар барча ҳолатларда катталардан алоҳида ҳолда сақлаб турилиши керак.

Умуман олганда, жиноят-процессуал қонунчилик нормалари вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш имкониятини яратиб бериши, вояга етмаганларни қайта жиноят содир қилишининг олдини олиш ва уларни баркамол шахс бўлиб шаклланишига йўналтирилмоғи лозим.

Зероки, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун, умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифадир”⁵.

⁴ Абдумажидов Г. Ювенальные нормы в уголовно-процессуальном кодексе Узбекистана//ХУҚУҚ.ПРАВО.LAW.- 2005. -№2. -С.49.

⁵ Каримов И.А. “Қамолот” ёшларимизнинг чинакам таянчи ва суянчи бўлсин. Халқ сўзи.2001 йил 25январь